

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Ў.К.Адамова,
Урганч ДУ**

Мактабгача таълим муассалари “Мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари” асосида тузилган “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастури болаларни ҳар томонлама камолга етказиш ҳамда уларни мактабга тайёрлашни кўзда тутди.

“Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастуридаги маънавий-ахлоқий тарбия вазифаларида болаларнинг мурғаклигидан мактабга борғунига қадар бўлган талаблар белгилаб берилган.

Болажонларни маънавий-ахлоқий жихатдан камолга эришишини таъминлаш учун боғча ва оилада болаларнинг кенг қамровли фаолиятини таъминлайдиган педагогик шароит яратиш зарур. Бу эса болаларда собитқадамлик, ғоявийлик, ўртоқлари, тенгдошларига дўстона муносабат, уларни тушуниш, меҳнатсеварлик каби қимматли маънавий-ахлоқий сифатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Боғча ва оила ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлса, болажонларнинг маънавий-ахлоқий ривожига ҳам муваффақиятларни кузатиш мумкин. Айни вақтда болаларнинг ахлоқий фазилатлари умуминсоний аҳамият касб этиб, умумбашарий қадриятга айланади. Ана шуни англаб етган ота-оналар фарзандлари тарбиясидаги маъсулиятни чуқур хис қила оладилар.

Ота-оналар “Учинчи минг йилликнинг боласи таянч дастури”ни билган ҳолда болаларнинг тарбиясига чуқур ёндошсалар, тарбиячилар маслаҳатига диққат билан қулоқ солсалар, болаларнинг ахлоқий тарбиясининг ривожига кўпроқ муваффақиятга эришишлари мумкин. Таълим-тарбия жараёни ҳам

маънавий қадрият ҳисобланади. Инсон шахсининг маънавий камолоти ва унинг моҳияти, жамият тараққиёти учун аҳамияти, ҳамда бола маънавиятини шакллантиришдаги ўрни тарбияшунос олима О.Мусурмонованинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. “Педагогик нуқтаи-назардан қадриятлар,- деб ёзади муаллиф,-шахс онги ва фаолиятини ривожлантиришга уни бир бутун шахс сифатида шакллантиришга таъсир этувчи маданий-маърифий воситалардан биридир”.

Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай тарбия кишилар фаолиятининг онгли бир мақсадга қаратилган жараёни ҳисобланади ва у инсон учун қадриятга айлана боради.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига маънавий-ахлоқий тарбия бериш жараёнининг муваффақиятини таъминлаш бир қатор педагогик шартларни бажаришни тақозо этади.

Катталар ва болалар орасидаги ўзаро муносабат самарадорлиги маънавий-ахлоқий тарбиянинг зарурий шартидир. Бу ўсиб келаётган инсоннинг шахсиятига ҳурмат, уни севиш, психологик ва жисмоний ривож қонунларини билиш асосига қурилади. Болалар гуруҳида шундай шароит яратиш керакки, болада атрофдаги кишиларга нисбатан ижобий муносабат пайдо бўлсин. Болалар учун уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини амалга ошириш мақсадида шундай шароитлар яратиш керакки, бунда бола катталарнинг ғамхўрлиги ва мададига ишоч билан таянадиган бўлсин. Ана шундагина болада қониқиш ҳиссини уйғотиш мумкин ва у ўз тенгдошлари билан яхши, ижобий муносабатда бўлади, ўртоқлари билан учрашувни орзиқиб кутади, ўз қувончу-ташвишлари ҳақида катталарга ҳикоя қилишга эҳтиёж сезади.

Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мазмуни ва методлари уларнинг ёш хусусиятларига мос келиши таълим тарбияда самарадорликка эришишнинг муҳим шартидир. Бу борада оиланинг ҳам ролини таъкидлаб ўтиш лозим. “Оилада шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш

боланинг туғилишидан бошланади. У кўпгина омиллар таъсирида таркиб топади. Бу омиллар, оилавий муносабатлар характери ва уларнинг педагогик маданияти ва ниҳоят, оилавий ҳаётнинг тўғри ташкил этилишидан иборат” - деб ёзади олима М.Иномова муаллиф нуқтаи назарига тўла қўшилган ҳолда оила ва боғча ҳамкорлигида болаларга уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб муносабатда бўлинса, албатта кўзланган натижага эришиш мумкинлигини эътироф этиш лозим.

Маънавий-ахлоқий тарбия бола шахсини жамиятимиз мақсадлари ва ғояларига кўра шакллантиришни амалга оширувчи педагогик усулларни тақозо этади. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Такрор айтишга тўғри келади ота-оналар , устоз-мураббийлар бу масалада хушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”,-деб таъкидлайдилар. Президентимиз таъкидлаганларидек ҳақиқатдан ҳам боланинг хулқ-атвори, кечинмаларига тўғри одилонга баҳо бериш, боланинг фикру-ҳаёли, ҳиссиётлари, ниятлари, истакларини яхши билиш, авваламбор уни тўғри тарбиялашга ёрдам беради. Негаки, баъзан хулқ шакли, хохиш- истак мотивига тўғри келмаслиги мумкин.

Болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш иши фақатгина алоҳида метод ва воситалар билангина эмас, балки педагогик жараёнда турли методларнинг бутун бир мажмуасидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Маънавий-ахлоқий тарбия методларини шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Биринчи гуруҳга мансуб методлар болаларда ижтимоий хулқнинг амалий тажрибасини яратишни таъминлайди. Ижтимоий хулқнинг ижобий шаклларига ўргатиш методи мисол бўлиб, у ахлоқий одатларни тарбиялашга қаратилади. Бунинг асосий моҳияти шундаки, болалар доимий равишда ҳар қандай вазиятда ҳам жамиятда ўрнатилган ахлоқий меъёр ва қоидаларга кўра иш кўришига ўргатилиб борилади. Салом бериш ва хайрлашиш, кўрсатилган хизмат учун миннатдорчилик билдириш, саволларга одоб билан жавоб бериш,

умумий ва шахсий мулкка асраб-авайлаб муносабатда бўлиш каби ахлоқий меъёр ва қоидаларга ўргатиш шулар жумласидандир. Болалар ўзларига ва ўзгаларга ёрдам беришга, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда, ҳаққоний ва камтар бўлишга даъват қилинади. Бу хусусиятларга ўргатиш машқлар орқали амалга оширилади. Бунда боланинг ҳис-туйғулари, онгига таъсир қилган ҳолда маълум ҳулқ жиҳатларига шакллантирилади.

Машқлар чоғида турли амалий фаолият, яъни мактабгача ёшдаги болаларни юқоридаги ҳулқларини ҳосил қилишга ундовчи табиий ҳаётий вазиятларда тенгдошлари ва катталар билан бўлган мулоқоти назарда тутилади. Масалан, тарбиячи катта гуруҳ болаларини, яъни кичик гуруҳдаги болалар олдига таклиф қилади ва катта гуруҳ болаларини меҳмонларни қандай кутиб олиш лозимлигини кўрсатишни тавсия қилади. Бундай ҳолатда олти ёшлилар кичик ёшдагиларга мулойим муносабатда бўлиб, ўзларининг бу соҳадаги кўникма ва малакаларини намоёиш этишларига эришиш кўзда тутилади. Бошқа ҳолатда катта гуруҳда бетоб бўлиб, яқиндагина боғчага қатнай бошлаган болани назарда тутган ҳолатда янги ўйинчоқни биринчи бўлиб кимга беришни ҳал қилиш болаларнинг ўзига топширилади.

Ўргатиш методи катталар ва бошқа болалар намунасидан фойдаланиш билан уйғунлаштирилса, янада яхшироқ самара беради. Аммо бола ўзига таъсир ўтказган катталар ёки тенгдошлар наъмунасига асосан фаолият юрита бошлайди. Ўхшашга ҳаракат қилиш тақлид фаолияти орқали амалга оширилади. Намуна бола фаолиятида акс этгандагина унинг шахсига фаол таъсири ҳақида гапириш мумкин.

Тарбиячи тамонидан ташкил этиладиган мақсадли кузатишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, кичик ёшдаги болалар катта гуруҳ болаларининг қувноқ, дўстона ўйинларини кузатадилар. Бу, табиийки, изсиз кетмайди, улар дўстона муносабат, кўтаринки кайфият, уюшган ҳолатдаги ҳаракат намуналаридан муайян ҳулосага келадилар. Бундай педагогик

йўналтирилган кузатувни пассив таъсир методи сифатида қараш ярамайди. Негаки у бола тажрибасини ҳосил қилувчи манба бўлиб қолади, кузатаётган воқеликка муносабат уйғотиш орқали боланинг хулқига ижобий таъсир ўтказди.

Маънавий-ахлоқий тарбия методларининг иккинчи гуруҳи мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ахлоқий тасаввури, фикри, баҳоларини шакллантиришга қаратилади. Бунга тарбиячининг эпик мавзулардаги суҳбати, бадий адабиёт ўқиш ва хикоя қилиш, расм ва иллюстрацияларни изоҳлаш, диафильмлар кўрсатиш ва муҳокама қилиш кабилар киради.

Бу восита, метод ва усулларни бутун гуруҳ билан машғулотларни ташкил этишда қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастурида болалар ўзлаштириши лозим бўлган анча мураккаб тушунчалар берилади. Машғулотлар давомида шакллантирилган боланинг муҳим ахлоқий сифатлари, ижтимоий ҳаёт воқеалари ҳақидаги тасаввурлари, атроф-муҳитга бўлган ахлоқий муносабатини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳ методларидан фойдаланиб, тарбиячи педагогнинг суҳбатида сўз юритилган бадий асар қаҳрамонлари, қандайдир воқеа иштирокчиларига хос бўлган сифатлар ва муносабатлар билан болаларни таништирибгина қолмай, балки уларнинг ўзлари шоҳид бўлган амалий тажрибани муҳокама ва таҳлил қилишга уларнинг ўзларини жалб этиш лозим. Масалан, “Биз қандай меҳнат қиламиз?”, “Яхши дўстлик қандай бўлади?”, “Нима яхши-ю нима ёмон?” каби суҳбатлар мавзуси албатта, болаларнинг ёшини ҳисобга олиб танланади, лекин ҳар сафар боланинг шахсий тажрибасига мурожаат қилинади. Ўрта ва катта гуруҳ болалари билан суҳбатда тарбиячи болаларнинг умумлашма фикрлари амалий вазиятларни таҳлил қилишга боғланишини назарда тутди. Кичик ёшдаги болалар билан суҳбатни томоша қилган кўғирчоқ театри ёки махсус ўтказилган ўйин машғулотларига боғлаш

мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мактабгача таълим ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда давлат талабларидан келиб чиқиб қуйдаги вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади:

- болалар ва катталар орасидаги инсонийлик муносабатларни тарбиялаш (жамоатчилик орасида мавжуд оддий қоидаларни бажариш, хайрихоҳлик, раҳимдиллик, яқинларига ғамхўрлик қилиш ва ҳоказо);

- жамоавийлик руҳида тарбиялаш, болаларда ўзаро жамоатчилик муносабатларини шакллантириш;

- тарбияланувчиларда ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, турли миллат вакиллариغا ҳурмат ва бағрикенглик асосидаги муносабатни шакллантириш;

- болаларда меҳнатсеварлик, меҳнатни қундалик эҳтиёжга айлантириш ҳисларини тарбиялаш каби вазифалар шулар жумласидандир.